ЁШЛАРДА ИННОВАЦИОН ОНГНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

А.Эгамбердиев

Мақолада Ўзбекистон ёшларида инновацион онг шаклланишининг босқичлари ва омиллари ҳақида фикр юритилган. Муаллифнинг фикрича, инновацион онг мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус ва олий таълим жараёнида фаол равишда шаклланади.

Калит сўзлар: *ёшлар, инновацион онг, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус таълими, олий таълим.*

В статье рассматриваются этапы и факторы формирования инновационного сознания молодёжи в Узбекистане. Автор предполагает, что инновационное сознание формируется в активном процессе образования в дошкольном, общем, средне-специальном и высшем образовании.

Ключевые слова: *молодёжь, инновационное сознание, дошкольное образование, общее образование, среднее специальное образование, высшее образование.*

The article deals with the stages and factors of formation of the innovative consciousness of young people in Uzbekistan. The author suggests that innovative consciousness is formed in the active process of education in pre-school, general, secondary specialized and higher education.

Key words: *youth, innovative consciousness, pre-school education, general education, secondary speciaizedl education, higher education.*

Ёшларда инновацион онгни шакллантиришнинг босқичларини илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти каттадир. Шартли равишда шахс онгининг ривожланиш босқичларида янги билимларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантириш орқали муайян амалий натижаларга эришиш мумкин.

Инновацион онг шаклланишида мактабгача таълим муассасасининг ўрни катта. Ушбу даврда бола ривожланиши учун зарур бўлган муайян кўникмаларга эга бўлади. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Саша Грауман бу ҳақда шундай дейди: “Мутахассислар ўтказган тадқиқот натижасига кўра, мактабгача таълим олган бола 15 ёшида тенгдошларидан кўра уч карра яхши натижаларни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади” [1]. Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда мактабгача таълим хизматлари диверсификация қилиниб, хусусий таълимни давлат томонидан рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилди, Жанубий Корея тажрибалари асосида қатор янги типдаги боғчалар қурилиши бошланди. Масаланинг эътиборли томони шундаки, мактабгача таълим жараёнида бола махсус дастур асосида ижтимоий ва илмий жараёнларга тортила бошлайди. Бу эса янгиликларни қабул қилиш кўникмаларини пайдо қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йилда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган 70 га яқин фармон, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. Мактабгача таълимни ривожлантириш бўйича 5 йиллик алоҳида дастур қабул қилиниб, 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилинди [2]. Шу билан биргаликда бу жараёнларни бошқаришнинг механизмлари такомиллаштирилиб, алоҳида вазирлик ташкил этилди. Мактабгача таълим муассасалари учун кадрлар тайёрлаш жараёнига инновацион ёндашувлар жорий этилмоқда.

Мактабгача таълим жараёнини ташкил қилишга ҳам инновацион ёндашувларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Авваламбор, мактабгача таълим ёшидаги болаларни ушбу таълим тизимига қамраб олиш, таълим-тарбия жараёнининг ностандарт услубларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Умумтаълим мактабларида инновацион хулқатворнинг шаклланиши ва шахс ижтимоийлашуви жадаллик билан давом этади. Бу даврда ёшларни инновацион шахс сифатида шакллантиришга қаратилган фаолиятни ташкил этиш муҳимдир. Жумладан, мактабда инновацион онгга эга бўлган педагог кадрлар янги авлодининг фаолият олиб боришига эришиш зарур. Бу омил ўқувчилар онгига инновация элементларини сингдиришда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Айнан мактаб ёшларнинг ўз ўрнини топишига ва ўз салоҳиятини жамият учун муҳим эканлигини англаб етишига таъсир этиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, умумтаълим тизимининг қатъий қолипларга солиб қўйилгани, бир хилликка интилишнинг кучли экани ўқувчиларда инновацион онг шаклланишига тўсқинлик қиладиган омиллардан биридир. Демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

даврида буюк алломаларимиз номи билан аталаётган, маълум бир фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган мактабларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Узлуксиз таълим мазмунидаги хилма-хиллик инновациялар учун шарт-шароит яратади, шу нуқтаи назардан таълим хизматлари диверсификациясини давом эттириш билан бирга таълим муассасалари ўқув дастурлари учун қатъий талабларни минимал даражагача камайтириш зарур.

Ёшларда инновацион онг шаклланишининг кейинги босқичи ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида амалга ошади. Ўсмирлик даврида шаклланган дунёқараш ва қадриятлар тизими шахс шаклланишида катта ўрин тутадиган омил бўлиб, бу даврда ўсмирларнинг онгини инновацион йўналтириш, уларнинг ташаббускорлиги, фаоллиги ва янгиликка интилишлари жамият томонидан қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқ. Креатив, истеъдодли ёшларни бирлаштирган ҳолда, уларнинг ижтимоий фаоллигини маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, айниқса, уларни рақобатбардош бўлган касбларга йўналтирган ҳолда илмий ва касбий потенциалини самарали реализация қилишни ташкил этишга эътибор қаратиш зарур. “Бирорта давлат ёш авлодни ижтимоий ва касбий фаолиятга, давлат ишларида иштирок этиш ва уларни бошқаришга тайёрлашнинг аниқ ва чуқур ўйланган дастурисиз тараққий эта олмайди. ...бугун ёшларга ўзини жисмоний ва интеллектуал имкониятларини намоён қилиши, касбий ва ижодий ўсиши учун шароит яратиб бериш зарур. Эртага ёшлар жамият учун тўла масъулиятни ўзларига олишлари учун қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим: ёшларнинг ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш; таълим; бандлик; ижтимоий ҳимоя; ижтимоий ҳаётда иштирок этишини таъминлаш лозим” [3.15].

Мамлакатимиздаги ислоҳотлар давомида ёшларга замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, ўз иқтидорларини амалиётда намоён этишига шарт-шароит яратилди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди, 1566 та ўрта махсус ўқув юртларига 1459,4 минг нафар ўқувчилар қамраб олинди [4.84]. Касб-ҳунар коллежларида уч йил давомида 2 – 3 та замон талабларига жавоб берадиган кичик мутахассислар тайёрланиши, ўз навбатида, бизнес тузилмалари битирувчиларни иш билан таъминлаши зарур эди. Ўз вақтида таълим тизимига инновацион ёндашув сифатида баҳоланган, ижобий маънодаги “портлаш эффекти”га сабаб бўлиши кутилган ислоҳотлар кейинчалик самара бермади. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларига жалб қилишдаги қийинчиликлар, ўқувчилар ўртасида жиноятчиликнинг ошиб бориши, иш билан таъминлашдаги мураккаб муаммолар аҳолининг тизимга бўлган ишончини сусайтириб юборди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига шарҳда таъкидланганидек, “Ўтган йилларда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида республикада мустаҳкам ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник база яратилди, бу интеллектуал салоҳияти юқори ва баркамол ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмунини янгилашга кўмаклашди. Шу билан бирга, ислоҳотлар амалга оширилган йилларда умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳозирги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини ва тубдан ислоҳ қилишга муҳтож эканлигини кўрсатди” [5].

Шундай қилиб, таълим тизимининг жамиятдаги модернизация жараёнларига ҳамоҳанглигини таъминлаш мақсадида шакллантирилган тизим аниқ натижаларни бермасидан, орадан ўн йил ўтганидан сўнг яна кескин ўзгаришлар сари юз бурди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 16 июнь куни Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги 78-умумтаълим мактабига ташрифи давомида ушбу мактабда тажриба сифатида 11 йиллик мактабни қайта тиклаш ҳақида топшириқ берди [6]. 2017 – 2018 ўқув йилидан бошлаб ўқувчилар ўзларининг истаклари бўйича умумтаълим мактаби ёки ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда 10-синфдан ўқувчилар билим олиш учун ўзининг маҳалласидаги мактабга қатнаши ва доимо ота-онасининг назорати остида бўлиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 июндаги Фармони билан 2019 – 2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синф битирувчилари ҳисобидан ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган таълим муддатларида амалга ошириладиган бўлди [5].

Дунёга машҳур инноватор, Alibaba Group раҳбари Жек Манинг Нью-Йоркдаги Bloomberg Global Business Forum да сўзлаган нутқи таълим тизимида инновациялар нақадар зарур эканини кўрсатиб беради. Бизнесмен шундай деган эди: “Таълим тизимига алоҳида эътибор қаратинг. Бугун фарзандларимизга ўргатаётган нарсаларимиз – эртага уларнинг ишсиз қолишига олиб келиши мумкин.

Эски ўқитиш схемаси бўйича ўрганаётган нарсаларимиз билимларни эслаб қолиш, ҳисоб-китоб иши – буларнинг барчасини машиналар яхшироқ уддаламоқда. Узлуксиз таълим тизимини қайта ишлаб чиқишимиз лозим. Фарзандларимизни инновацион ва ижодкор бўлишга ўргатишимиз керак. Янги дунёда самарали фаолиятга эришиш учун сизга IQ, EQ ва LQ керак бўлади. EQ – бу ҳис-туйғу коэффициенти, LQ эса – "муҳаббат коэффициенти", бу машиналарда ҳеч қачон бўлмайдиган нарса" [7].

Таъкидлаш лозимки, бугунги кундаги жамият тараққиёти тенденциялари жуда мураккаб бўлиб, кундан-кунга иш ўринлари замонавий технологиялар ҳисобига қисқариши кузатилмоқда (PayNeT шохобчалари ўз ўрнини Click дастурига бўшатиб бериши натижасида минглаб ишчи ўринлари ёпилиб кетди). Бундай жараёнда кичик мутахассисларнинг қисқа муддат давомида бошқа касбларга трансформациясига эътибор қаратиш зарур бўлади. Бунда айрим касб-ҳунарлар учун хусусий ўқув марказларида ҳам диплом бериш, қайси касб эгаси қаерда ишлаши қатъий белгилаб қўйилган тармоқ тариф малака маълумотномаси каби тартибга солувчи норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритиш зарур бўлади.

Инновацион онг шаклланишининг кейинги босқичи олий таълим тизимида таҳсил олаётган ёшларни қамраб олади. Бу ерда таълим тизимининг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда интеллектуал гуруҳлар, ташаббускорлар гуруҳи, етакчилар гуруҳи сингари инновацион гуруҳларни ташкил этиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай гуруҳлар фаолиятини ташаббускор, ижодий ёндашувчи, креатив педагогларга бириктирган ҳолда ташкил этиш, улар учун имконият яратиш муҳим амалий аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Гуруҳларда таклиф этилаётган ғояларни, лойиҳаларни муҳокама этиш, уларни татбиқ қилиш ва янгича ғояларни тарқатиш бундай гуруҳлар сонининг янада ортишига олиб келиши мумкин. Бу жараёнлар ёшларнинг зарур билимларга эга бўлиб, улар асосида замонавий технологиялар ва методларни ўзлаштиришига имкон яратади.

Тадқиқотчи Т.З.Тешабоев олий таълим тизимида инновациялар тараққиёти учун инновацион-технологик марказ зарур деб ҳисоблайди. "...фундаментал тадқиқотлардан бошлаб, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва истеъмолчига сотишгача бўлган логистик оқимни бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи тузилмани яратишни таклиф қиламиз. Инновацион-технологик марказни яратиш ва фаолият юритишидан асосий мақсад – миллий инновацион тизимнинг республикавий ташкил қилувчисини яратиш ва республика ҳудудида инновацион фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат" [8.128].

Олий ўқув юртлари талабаларида инновацион онг шаклланишида муассаса илмий йўналишининг ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадорлиги муҳим роль ўйнайди. Бу борадаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун олий таълим тизимида ҳам таълим хизматларини нодавлат секторга бериш ишларини кенгайтириш зарур. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг стандартлаштирилган механизмларидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида таълим тизимининг жадаллик билан ислоҳ этилиши ёшларда инновацион онг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаш лозим. Бу ўзгаришлар ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга, ўзаро ижобий муҳитни яратишга ва билимларини амалиётга татбиқ этишга йўналган бўлиши зарур.

Адабиётлар:

1. ЮНИСЕФ билан эксклюзив суҳбат: уюшмаган ёшлар, бола меҳнати ва мактабгача таълим даври тўғрисида // https://kun.uz/news/2018/04/02/unisef-bilan-ekskluziv-subat-uusmagan-eslar-bola-menati-va-maktabgaca-talim-davri-tugrisida (Мурожаат этилган сана: 29.03.2018).

2. 2017 йил – шиддатли ислоҳотлар йили. –Тошкент.: Адолат, 2018. –Б.68.

3. Саидов А.Х. Конституционное регулирование прав молодежи в Узбекистане // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, – 2017. – № 4. – Б. 15.

4. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси. Ўзбекистон рақамларда. –Тошкент, 2017. – Б.84.

5. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2018. – №4. 69-модда.

6. Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш – асосий вазифамиздир // Халқ сўзи, 2017. – 120-сон.

7. Jack Ma Says Stop Looking to Manufacturing Growth for Jobs. https://www.bloomberg.com (Мурожаат этилган сана: 02.12.2018).

8. Тешабоев Т.З. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 128.

Андижон давлат университети,
2018 йил 22 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)